

ДИНИЙ КСЕНОФОБИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ПРОФИЛАКТИКИ РЕЛИГИОЗНОЙ КСЕНОФОБИИ

FEATURES OF PREVENTION OF RELIGIOUS XENOPHOBIA

Aziza NOSIROVA,

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,

PhD teacher,

aziza.nosirova.84@mail.ru

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2023/4/8

Аннотация: Бугунги кунда диний ксенофобия ва исломофобия феноменларини тадқиқ этиши, унинг глобаллашув давридаги таъсири ва олдини олиши йўллариини ўрганиши муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақолада келтирилган маълумотлар ушбу воқеликларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, мавзунини ёритишда назарий, тарихий, маданий, қиёслаш каби методлардан фойдаланилган. Шунингдек, мақоланинг илмий-эмпирик қисми таққослаш орқали таҳлил қилиши ва маълумотларни саралаш методига асосланади. Мазкур методлар мақоланинг илмий қимматини оширишга ёрдам беради. Диний ксенофобия ва исломофобиянинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, турли халқаро ташиқлотлар, шунингдек, Ўзбекистонда дин ва виждон эркинлиги борасида қабул қилинган Қонун ҳужжатлари мисол сифатида келтириб ўтилди.

Мақолада келтирилган маълумотлар ва Қонун ҳужжатлари асосан БМТ томонидан турли йилларда қабул қилинган Низомлардир. Дин ва эътиқод эркинлиги масалаларида бағрикенглик ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлар қўллаб-қувватланиб, диннинг бошқа мақсадларга зид келадиган ҳар қандай қоидаларни жорий қилмаслик муҳим эканлиги таъкидланган. Шунинг билан биргаликда, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва халқаро қонун ҳужжатларида қайд этилишича, барча фикр, виждон ва дин эркинлигига эгалиги, камситишга қарши ва барчанинг қонун олдида баробарлиги белгилаб қўйилган. Бу эса, ўз навбатида диний ксенофобия ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашишда амалий ёрдам бериши мақолада алоҳида қайд этилган. Диний бағрикенглик гоёлари устуворлиги турли самовий динлар мисолида ҳам келтириб ўтилган.

Мақоланинг диний нуқтаи назаридан эса, самовий динларнинг диний эркинлик ва бағрикенглик борасидаги таълимоти, динишуносларнинг фикрлари ҳам таҳлил этилган. Шунинг билан бир қаторда, материалнинг илмий савиясини ошириш мақсадида турли тил ва

йўналишлардаги адабиётлардан фойдаланилган. Диний ксенофобия ва исломофобиянинг зарарли оқибатлари таҳлил этилиб, унинг олдини олишда тавсиялар ҳам берилган. Жумладан, тавсия сифатида диний ксенофобия ва исломофобиянинг олдини олишда турли Қонун ҳужжатлари билан биргаликда инсон ва унинг интеллектуал, маънавий дунёсининг бойлиги орқали эришиши мумкинлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: Диний ксенофобия, исломофобия, диний бағрикенглик, эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги, мутаассиблик, гайриқонуний ташиқлот, тинчлик-тотувлик.

Аннотация: Сегодня важно изучить феномен религиозной ксенофобии и исламофобии, их влияние в глобализирующемся мире и пути профилактики.

Данные, представленные в статье, направлены на предотвращение этих реалий. Для освещения этой темы были использованы различные методы. В частности, такие, как теоретический, исторический, культурологический, сравнительный. Также на методе анализа и сортировки данных путем сравнения основана научно-эмпирическая часть статьи. Эти методы помогут провести более широкое исследование по данной теме. В качестве примеров были приведены усилия по предотвращению религиозной ксенофобии и исламофобии различными международными организациями, а также законы, принятые в Узбекистане. Приведенные данные и юридические документы в статье — в основном Постановления, принятые в разные годы ООН. В вопросах религии и вероисповедания поддерживаются отношения, основанные на взаимопонимании, а также подчеркивается необходимость недопущения установления религиозных правил в иных целях. Наряду с этим, как подчеркивается в международных юридических документах и всеобщей декларации прав человека, каждый имеет права на свободу мысли, убеждений и вероисповедания, установлено, что правонарушение преследуется законом.

В свою очередь, в статье подчеркивается роль данных документов в оказании практической помощи в борьбе с религиозной ксенофобией и насилием. Приводятся примеры идей религиозной терпимости на примере различных мировых религий. Также в статье обсуждались взгляды авраамических религий на религиозную свободу и терпимость с религиозной точки зрения. Это, в свою очередь, послужит расширению сферы охвата проблемы. Наряду с этим, для повышения академического уровня материала использовалась иностранная литература различных сфер знания. Были проанализированы пагубные последствия религиозной ксенофобии и исламофобии, а также даны рекомендации по их предотвращению. В частности, в качестве рекомендации было отмечено, что религиозная ксенофобия и исламофобия могут быть устранены путем обогащения духовного мира человека совместно с различными законодательными актами в области профилактики данных проблем.

Ключевые слова: Религиозная ксенофобия, исламофобия, религиозная терпимость, свобода совести, фанатизм, неправомерная пропаганда, мир и гармония.

Annotation. Today, it is imperative to explore the phenomenon of religious xenophobia and Islamophobia, investigating their impact in an increasingly globalized world and examining preventive measures.

The information presented in this scientific article is oriented towards averting these realities, employing various methodologies such as theoretical, historical, cultural, and comparative analyses. The scientific and empirical segments of the article rely on data analysis and sorting through comparison methods, facilitating a comprehensive study on the subject. These methods help to increase the scientific value of the article. The article incorporates examples showcasing efforts to combat religious xenophobia and Islamophobia, including initiatives by international organizations and legislative measures implemented in Uzbekistan.

The data and legal documents featured primarily consist of resolutions adopted by the United Nations in different years. Regarding matters of religion and belief, the emphasis is on maintaining relations grounded in mutual understanding, highlighting the importance of preventing the manipulation of religious principles for ulterior motives. Furthermore, in alignment with international legal documents and the Universal Declaration of Human Rights, the article asserts that everyone possesses the right to freedom of thought, belief, and religion, anti-discrimination and equality before the law. The article underscores the role of these documents in offering practical assistance in the ongoing struggle against religious xenophobia and violence. The priority of the ideas of religious tolerance is also mentioned in the example of various celestial religions.

From the religious point of view of the article, the teachings of celestial religions on religious freedom and tolerance, and the opinions of theologians are also analyzed. Additionally, diverse literature in various languages and disciplines contributes to elevating the academic rigor of the material.

The detrimental effects of religious xenophobia and Islamophobia are meticulously analyzed in the article, culminating in recommendations for prevention. Notably, the article suggests that fostering a spirituality of the individual and implementing legislative acts in the prevention domain can effectively counteract religious xenophobia and Islamophobia.

Keywords: Religious xenophobia, islamophobia, religious tolerance, freedom of conscience, fanaticism, illegal propaganda, peace-harmony

КИРИШ

Диний ксенофобия тушунчаси, унинг бугунги глобаллашув давридаги хавфли жиҳатлари, тарихий илдиэлари ва оқибатларини тадқиқ қилиш муҳим ваэифалардан биридир. Шунинг билан биргаликда, турли хуружлар авж олган шароитда унга қарши курашишнинг долзарблиги ҳам рад этиб бўлмас ҳақиқатга айланган. Келтириб ўтилганидек, диний ксенофобия бир диннинг иккинчисига нисбатан

салбий муносабатиди намоён бўлиши мумкин, мисол сифатида, ўзга дин вакиллари диний туйғуларини камситиш, ўз динини бошқа динлардан устун ва мутлақ деб билиш, турли ҳақоратлар ва ҳаттоки, куч ишлатиш ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин. Ғайриқонуний ташвиқот ва ксенофобик кайфият аксар ҳолларда экстремистик ва террористик хатти-ҳаракатлар учун туртки бўлади.

Мақола мавзусини илмий жиҳатдан таҳлил қилишда назарий-услубий, тарихийлик, ижтимоий-маданий ва қиёслаш методларидан фойдаланиш кўзда тутилган бўлиб, бунда асосан ксенофобия феноменининг назарий жиҳатлари ва тарихий жараёнлардаги таъсирини ўрганишда муҳим ҳисобланади. Мақоланинг илмий аҳамиятини оширишда диншуносликнинг назарий, тарихийлик методи билан биргаликда унинг кўламини кенгайтириш мақсадида социология, фалсафа, сиёсатшунослик, психология фанлари доирасида ҳам мавзу юзасидан фикрлар келтирилган. Шунингдек, диний ксенофобия ва исламофобиянинг олдини олиш йўллари тўлақонли ёритиш мақсадида бир қанча омил ва мезонлардан фойдаланиш кўзда тутилган. Ксенофобия ва исламофобияни ижтимоий-диний омил сифатида тадқиқ этишда изоҳлаш, таққослаш каби илмий усулларга асосланилади (Semenova, 1998:14).

Айтиб ўтилганидек, мақоланинг илмий-эмпирик қисми таққослаш орқали таҳлил қилиш ва маълумотларни саралаш методига асосланади. Илмий ишда ксенофобия жумладан, диний ксенофобия ҳолатларини тарихдаги воқеликлар ҳамда бугунги кундаги таъсирини таҳлил ва тадқиқ, қиёслаш орқали тўпланган маълумотларни изоҳлашга қаратилган. Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар орасида диний ксенофобия ҳамда исламофобия билан боғлиқ ҳолатлар кўплаб кузатилмоқда. Айрим давлатларда, кишилар орасида нотинчликни келтириб чиқараётган, инсонлар ҳаётига таҳдид солаётган, вайронагарчиликларга олиб келаётган салбий ҳолатнинг қандай сабаблари борлигини, намоён бўлиш турлари қандай ва уларни олдини олишнинг қандай йўллари мавжудлигини юқорида келтирилган усуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, давлат ва диний ташкилотлар, баъзи мамлакатларда ОАВ нинг ксенофобия ва исламофобик кайфиятни келтириб чиқаришдаги ўрни, диний ташкилотларнинг фаолияти ҳамда ксенофобияни келтириб чиқаришга қарши курашишда халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистондаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мавзунини таҳлил қилиш мақсад этиб белгиланган. Турли

тарихий даврларда диний ксенофобик ҳолатлар мавжудлигини маълумотларни саралаш методи орқали аниқлаб борилади. Бу борада бир қанча олимларнинг тадқиқот услубларидан фойдаланилди. Жумладан, В.А.Ядова, В.В.Семенова, О.М.Маслова, Ю.Н.Толстова, Е.В.Масленникова, В.Воронова, А.Н.Демина ва бошқалар.

МЕТОДЛАР

Мақолани ёритишда назарий, тарихийлик, ижтимоий-маданий ва қиёслаш методларидан фойдаланиш кўзда тутилган бўлиб, бунда асосан ксенофобия феноменининг азарий жиҳатлари ва тарихий жараёнлардаги таъсири эътиборга олинди. Мавзунинг илмий аҳамиятини оширишда диншуносликнинг назарий, тарихийлик методи билан биргаликда мавзу қўламини кенгайтириш мақсадида социолгия, фалсафа, сиёсатшунослик, маданиятшунослик, психология фанлари доирасидаги таҳлиллар ҳам белгиланган вазифаларни амалга оширишда ечим бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, диний ксенофобиянинг тарихий илдизлари ва уни бартараф этиш йўллари тўлақонли ёритиш мақсадида бир қанча омил ва мезонлардан фойдаланилди. Ксенофобияни ижтимоий-диний омил сифатида тадқиқ этишда изоҳлаш, таққослаш каби илмий усулларга асосланди. Мақолада хорижий ва маҳаллий олимларнинг фалсафий, тарихий, ижтимоий фикр ва назарий қарашларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган бўлиб, П. Бергер, Т. Лукман, П. Бурдье, Ф. Барт, В.А. Тишков, В.С. Малахов, Р.Г.Абдулатипов, Ю.В. Арутюнян, Э.А.Багромов, Ф.Б.Березин, З.Т.Гасанов, В. Дильтей, Г.Д.Дмитриев, Л.М. Дробижева, С.А. Завражин, Г. Зиммель, Э. Кассирер, Н.Лукман, А.В. Сухарев, Е.И. Филиппова, Ф. Шлейермахер, А. Щюц, Дж. Бэнке, Н.Б. Крылова, Г.В. Палаткина, М.Уолцер, К. Цюрхер маҳаллий олимлар Б.Бобажонов, А.Бегматов, М.Бекмуродов, А.Ачилдиев, С.Отамуратов, Ш.Б.Қаҳҳорова, Ш.О.Мадаева, Т. Карим, Н. Жўраев, Д.Раҳимжонов, Ш.Ёвқочевларларнинг илмий қарашлари шулар жумласидандир. Шарқ ва Ғарб олимлари қарашларидан келиб чиққан ҳолда диний ксенофобияни олдини олишда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти назарий методологик жиҳатдан ёритиб берилади. Шу билан бирга, маҳаллий ва хорижий олимларнинг назарий-методологик нуқтаи-назарларига асосланган ҳолда истиқболли концептуал фикр-мулоҳазалар илгари сурилади.

Диний ксенофобия ва уни олдини олиш тўғрисида хорижлик мутахассислар томонидан

қўлаб тадқиқотлар амалга оширилган, аммо мамлакатимиз олимлари учун мазкур мавзу ва йўналиш анча янги ҳисобланади. Мамлакатимиздаги тадқиқотларнинг асосан, Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, миллий манфаатлар, маънавий ўзгариш ва янгиланишларнинг диний дунёқараш ва миллий ўзликни англаш билан боғлиқ жиҳатларга ўз эътиборларини қаратганлар.

НАТИЖАЛАР

Ксенофобия оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш муҳим масалалардандир. Бежизга ўз даврида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов “Жаҳолатга қарши маърифат” (Karimov, 2017) ғоясини илгари сурмаган. Бир тарафдан диний ксенофобия ва исломофобиянинг олдини олишда маънавий-маърифий тарғибот орқали эришсак, турли давлатлар қонун ҳужжатлари унга ҳуқуқий жиҳатдан қарши қўришишга ёрдам беради. Ҳар қандай ҳолатларда ҳам диннинг – сиёсий манфаатлар, қуролли тўқнашувлар ва диний мансубликка нисбатан камситиш ҳолатларига алоқаси мавжуд эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Қонун устуворлиги тамойилини инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, диний ксенофобия диний эркинликка зид бўлиб, камситишнинг ҳар қандай ҳолатларига қарши ҳуқуқий ҳужжатлар турли халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1981 йил 25 ноябрда қабул қилинган қарорига кўра, БМТ Низомида “Инсон қадр-қиммати ва тенглик асосий тамойилларидан бири”(Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi) сифатида қайд этилиб, ташкилотга аъзо давлатлар тили, ирки, дини, жинсидан қатъий назар ҳар бир инсоннинг асосий эркинликларини таъминлаш ва унга ҳурмат билан муомала қилишни рағбатлантиришда биргаликда саъй-ҳаракат қилишга келишиб олганлар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва халқаро қонун ҳужжатларида қайд этилишича, барча фикр, виждон ва дин эркинлигига эгаллиги, камситишга қарши ва барчанинг қонун олдида баробарлиги белгилаб қўйилган.

Шуни инобатга олиш керакки, инсон ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини пой-мол қилиш, жумладан, фикр, виждон, дин ва киши дунёқарашига ҳурматсиз муносабатда бўлиш қўлаб келишмовчилик ва урушларга сабаб бўлиши мумкин. Эътиборан мазкур эркинликлар чеклови маълум кучларнинг бошқа давлатлар ички ишларига аралашуви учун

сабаб бўлиб хизмат қилса, у миллатлар ўртасидаги тотувлик ва халқлар дўстлигига раҳна солади. Дин ва эътиқод масаласи ҳар бир инсон учун унинг дунёни англашдаги асосий восита бўлиб хизмат қилишини инобатга олсак, бу борада эркинлик ва кафолат масаласи асосий ўринда бўлиши лозим.

Дин ва эътиқод эркинлиги масалаларида бағрикенглик ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлар қўллаб-қувватланиб, диннинг бошқа мақсадларга ҳамда БМТ Низоми ва ташкилотнинг бошқа ҳужжатларига зид келадиган ҳар қандай қоидаларни жорий қилмаслик муҳим саналади. Шунингдек, дин ва эътиқод эркинлиги дунёда тинчлик-тотувлик, ижтимоий тенглик ва миллатлараро тотувлик учун хизмат қилиб, ирқчилик ва мустамлакачилик сиёсатини йўқ қилишга қўмаклашиши лозим.

Қайд этиш керакки, БМТга бугунги кунда икки юзга яқин давлатлар аъзо бўлиб, улар халқаро ташкилот томонидан қабул қилинаётган ва дунё ривож, инсонларнинг ҳар жиҳатдан фаровон ва демократик давлатда яшашлари учун ўз фаолиятини олиб боради. Давлат раҳбарлари барча Қонун ҳужжатларини қабул қилиб, ўз мамлакатлари доирасида ҳам ташкилот ва мамлакат қонунчилигига асосланиб фаолият олиб бормоқдалар. Айтиб ўтганимиздек, Ер юзининг барча давлатларини бирлаштирган ташкилот Низоми жумладан, тадқиқот мавзуси диний ксенофобиянинг олдини олиш, эътиқод ва виждон эркинлиги, бағрикенглик тамойилларини ўрганишда ёрдам беради.

БМТ ва ихтисослашган муассасалар ташаббуси билан камситишга қарши бир неча қонунларнинг қабул қилингани ва амалиётга жорий этилгани унинг олдини олишга хизмат қилади. Аммо қилинаётган саъй-ҳаракатларга қарамасдан дунёнинг баъзи ерларида диний ва эътиқодий камситилишга дуч келинаётгани ачинарли ҳолат. Учраб турган мазкур ҳолатларнинг олдини олишда БМТ ҳамда унга аъзо барча давлатларнинг Асосий қонунларида белгилаб қўйилган чора-тадбирларни такомиллаштириш тинчлик-тотувликнинг асосий мезонларидан бири дея эътироф этилган.

1981 йили БМТ томонидан қабул қилинган Декларация – “динга нисбатан мутаассиблик ва камситишнинг ҳар қандай кўринишига қарши” (Din yoki e'tiqodga asoslangan murosasizlik va kamsitishning barcha shakllarini bartaraf etish to'g'risidagi deklaratsiya) асосий ҳужжат сифатида қабул қилиниб, кейинчалик у инсон ҳуқуқлари нормаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилган ва ҳозирги даврда халқаро миқёсдаги диний ҳақ-ҳуқуқлар борасидаги асосий қонун ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, диний ксенофобия эътиқод ва дин эркинлигига раҳна солувчи кучга айланиши, унинг диний бағрикенглик тамойилларига зидлиги, эътиқод қилувчилар ҳақ-ҳуқуқларига ҳурматсиз муносабатда бўлиш унга қарши курашнинг долзарблигини оширади.

БМТнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида бир қанча қонунлари қабул қилинган бўлиб, Бош Ассамблеянинг 1992 йил 18 декабрдаги декларацияси ҳам миллий, ирқий, диний ва турли тил вакиллари ҳақ-ҳуқуқларига бағишланган. БМТ нинг Низомида таъкидланганидек, униг асосий вазифаларидан бири инсон манфаатларини устунлигини рағбатлантириб, миллати, ирқи, дини, тили, жинсидан қатъий назар ҳурматда бўлишдан иборат эканлиги таъкидланади.

Бундан ташқари, БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича 1995 йил 26 октябрдан – 16 ноябргача Парижда бўлиб ўтган 28 сессияси бағрикенглик масалаларига бағишланди. Ташкилот кўрсатмаси билан ўтказилган бир қанча йиғилиш ва конференцияларнинг хулосасига кўра, сўнгги йилларда миллий, ирқий, диний, турли тил вакиллари, қочоқлар, ишчи мигрантлар, иммигрантлар, жамиятнинг энг кам ҳимоя қилинган қатламларига нисбатан мутаассиблик, зўрлик, терроризм, ксенофобия, миллатчилик, ирқчилик, антисемитизм, камситиш каби ҳолатларнинг кўпайиб бораётгани хавотир уйғотаётгани таъкидланди. Шунингдек, тараққиётга раҳна солувчи, маҳаллий ва халқаро миқёсдаги демократия тамойилларига зид келувчи, тинчлик-тотувликка тўсқинлик қилувчи ўз ҳуқуқидан фойдаланаётган, фикр эркинлигини амалга ошираётган кишиларга нисбатан ҳам камситиш ва фаолиятини таъқиқлаш ҳолатлари кузатилаётгани таъкидланди. Шуларни инобатга олган ҳолда мазкур сессия давомида бағрикенглик декларацияси қабул қилинди.

Бағрикенглик тушунчаси: Бағрикенглик ўзгачага нисбатан ҳурмат туйғуси бўлиб, дунё маданиятнинг турфалиги, кишининг ўзлигини, дунёқарабини намоён этишини англатади. Унинг намоён бўлишида, билим очиқлик, мулоқот, фикр, виждон, эътиқод эркинлиги ёрдам беради. Бағрикенглик – турфаликда уйғунликдир. Бу нафақат ахлоқий вазифа балки, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик – уруш маданиятидан тинчлик маданиятига ўтишга ёрдам берувчи яхшиликдир.

Шунингдек, ташкилот Низомининг муқаддимасида “дунё инсониятнинг интеллектуал ва ахлоқий ҳамжиҳатлигига асосланиши керак”лиги таъкидланади (Bag'rikenglik tamoyillari deklaratsiyasi).

Бағрикенглик тинчлик-тотувлик ва фаровонликнинг асосий шартларидан бири эканлиги таъкидланди, аммо бу ҳар қандай адолатсизликка бефарқ муносабатда бўлишни англатмайди.

БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан 2001 йил цивилизациялараро мулоқот йили, – дея эълон қилинган бўлиб, унда бағрикенглик ва турфалик ғоясининг устуворлиги нақадар муҳим эканлиги ҳамда турли маданиятларнинг ўзаро муштарак жиҳатларини эътироф этган ҳолда, уларни ҳурмат қилиш инсоният олдидаги муаммоларни ҳал этиб, тинч-тотув ҳаётга хизмат қилади. Миллий, диний, ирқий камситиш ва ксенофобия аксинча шахс эркинлигини чекловчи кучга айланади (Irqchilikka qarshi kurash, irqiy kamsitish, ksenofobiya va unga aloqador muosasizlik bo'yicha jahon konferentsiyasi, 2002:6.).

Албатта, инсон ўз умри давомида шахс сифатида шаклланиб экан, унга турли жиҳатлар бу борада кўмакчи бўлади. Киши менталитети, дини ва маданиятидан ташқари, ўзга маданиятлар ҳам, тафаккур доираси ва дунёқарашини кенгайтиришда муҳим омиллардан бирига айланади. Инсон қанчалик ўз миллий келиб чиқиши, дини ва урф-одатларини англаб экан, ўзга дин, маданият ва урф-одатларга ҳам ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлиши табиий. Бу эса ўз навбатида, динлараро мулоқот учун замин яратади. Боиси ҳеч бир цивилизация асрлар давомида яқка ҳолда шаклланиб тамаддун даражасига кўтарила олмаган. Табиийки, диний бағрикенглик ғоялари ҳукм сурган ерда диний ксенофобик кайфиятга ўрин қолмайди. Ахир самовий, илоҳий китобларда ҳам диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояларининг устуворлиги ҳам эътироф этилган.

Жумладан, ислом динининг муқаддас Китоби Қуръони каримда: “Унинг белгиларидан (яна бири) – осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларни тилларингиз ва рангларингизни хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча олимлар учун аломатлар бордир”(Mansur, 2018:404).

Маълумки, ислом таълимоти бағрикенглик ва турфалик ғояларини илгари суриб, Аллоҳ таолонинг бандаларига Ер юзидаги жамики инсонлар билан ҳамжиҳатликда ҳаёт кечиришга, турли келишмовчилигу, кескин вазиятларнинг олдини олиш учун ёрдам беради.

Шунингдек, “Худ” сурасида келтиришича, “Агар Роббингиз хоҳлаганда эди, (барча) одамларни бир уммат (бир хил динга тобе) қилган бўлар эди. (Улар) мудом турлича (ҳар хил эътиқодда) бўлиб бораверадилар” (Mansur, 2018:235).

Дарҳақиқат, Аллоҳ ҳар бир нарсани ўз ҳикмати билан яратар экан, инсонларни ҳам турли динларга

эътиқод қилишларини ихтиёр этган. Шундай экан, инсонлар ўз динлари билан биргаликда ўзга динларни унинг эътиқод қилувчиларига гўзал ва чиройли муомалада бўлишлари талаб этилади. Зеро, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) ҳам бу борада барчага ўз кўрсатмасини берган.

Саҳиҳ ҳадисларнинг бирида келтирилишича, Саҳил ибн Хунайф ва Қайс ибн Саъд Қодисияда ўтиришган эди. Ёнларидан бир жанозани олиб ўтишди. Улар ўринларидан туришди. Уларга: “Бу шу ерликлардан”, яъни зиммийлардан, – дейишди. Шунда иккови дейишди: “Набий (с.а.в.) нинг ёнларидан жаноза ўтиб қолганида, у зот ўринларидан турганлар. У зотга: “Бу яҳудийнинг жанозаси-ку”, – дейишганида у зот: “Ахир у ҳам бир жон эмасми?!”, дея ўзга дин вакилига ҳурматга асосланган муносабатни намоён этиб, барча англоғчи ва очик қалб эгаларига ўрнатилган бўладиган муомала қилган. (Бухорий, 2016:267)

Ислом таълимотига кўра, барча миллат ва ирқ вакиллари бир оилага мансуб бўлиб, ягона Аллоҳга инсониятнинг Яратувчиси сифатида унгагина тегишлидирлар. Шу ўринда араб шоирларидан бирининг сўзларини келтириш жоиз: “Мен ўзимнинг яратилишимни тупроққа тегишли деб билсам, у ҳолда бутун инсоният менинг қариндошимдир (Култура толерантности в Исламе, 2009)”.

Аслида ҳар бир дин вакили ўз таълимоти, диний асосларини ўрганар экан, ўзининг яратилмиш эканини англайди ва шу заҳотиёқ Яратувчи яратган жиҳатларни, жумладан, турли ирқ, миллат ва дин вакиллари бир-биридан ажратиш эмас, балки уларга олижаноб муносабатда бўлиш лозимлигини англаб етади. Демак, бу борада инсонларнинг билими ва маънавий-ахлоқий устуворлиги қанчалик юқори бўлса, шунчалик ижобий натижаларга эришиш ҳам самарали бўлади.

Шу ўринда яҳудийлик таълимотига назар ташласак, ушбу дин ёйила бошлаган илк даврларда динлараро бағрикенглик у қадар қулоқ ёймаган. Аммо кейинчалик, мазкур дин тарафдорлари дунё – турли маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлигида янада ривожланиши мумкин эканлиги ҳақидаги фикрларни ҳам илгари сурдилар. Шунга кўра, раввин Кук янги даврда ёндашув бутунлай ўзгариб, диний бағрикенгликка асосланиши кераклигини таъкидлайди. “Бунда мутаассиблик амалиётидан воз кечиб, Илоҳий уқунни бошқа дин вакиллари нигоҳларида ҳам англаш мумкин дея ҳисоблайди. Раввиннинг фикрига кўра, ҳар бир инсонда Илоҳий ҳақиқат яширин, шунинг учун ҳам “мен” ўзимда етишмаётган ҳақиқатни “сендан” олишга муҳтожман. Мазкур қарашларнинг моҳиятига кўра, бошқа маданият ва дин вакиллари

дунёкарашида ижобий жиҳатлар мавжуд бўлиб, у ўз ўрнида қўлланилса бир бутун тизимга айланади” дея ўз қарашларини изоҳлайди (Kamarova, 2014:52).

Шунингдек, яна бир самовий динлардан бири христианликда кишиларни ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлишга чакиради. Инсонларнинг бир-бирларига муносабати муҳаббатга асосланиши бош тамойиллардандир. Мазкур дин нафақат ўз яқинлари ва дўстларини балки душманларга ҳам яхши муносабатда бўлишни тарғиб этади. Матфей Инжилида: “...Душманларингизни севинг, Сизни лаънатлаганга марҳаматли бўлинг ва сизни хафа қилган, ҳайдаганларга яхшилик билан дуо қилинг...” дейилади (Bibliya, 2011:292).

Христианлик таълимотига кўра, “Эркинлик инсон табиатига Худо томонидан берилган. Черков ўзининг ибодат ва ахлоқий масалаларида инсонларнинг ички дунёсига ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва эркинлигини қадрлайди. Инсон ҳоҳиш-истакларини зўравонлик ва мажбурлаш орқали поймол этиш Худо иродасига қарши чиқиш билан баробарлиги” айтилади. Шунингдек, христианликда ҳам виждон, сўз ва ижод эркинлиги қўллаб-қувватланади (Solovyev, 2014:236).

Динлараро мулоқотни давлат ва диний ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги доирасида кўриб чиқадиган бўлсак, авваламбор диний ташкилотларнинг ўз манфаатлари доирасида турли ихтилофли вазиятларни олдини олишга хизмат қиладиган ҳуқуқий механизмларни қабул қилишдаги ташаббуси зарурлигини эътироф этиш лозим. Бу борада давлат ва диний ташкилотларнинг тарғибот ва ижтимоий муносабатлардаги ҳамкорлиги муҳим ўрин тутати. Шунингдек, бунда фуқаролик позициялар ҳам ўз ўрнига эга. Глобаллашув даврида дунё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳам ўзининг экстремизм ва ксенофобияга қарши самарали кураши ҳамда ижтимоий муносабатлар, бағрикенгликка асосланган давлат сиёсатини олиб бориши самарали натижалар бермоқда. Шу ўринда Ўзбекистонда ҳам бир қанча Қонун ва Қарорлар қабул қилинганки, шубҳасиз бу мамлакатда динлараро бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, Ўзбекистоннинг асосий қомуси – Конституцияда таъкидланишича, “Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.”, деган қоида мустаҳкамланган (35-модда O‘zbekiston Respublikasining Konstitusiyasi, 2023:9).

Шунингдек, 35 моддадан иборат “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг биринчи моддасида унинг мақсади белгиланган: “Ушбу Қонуннинг мақсади виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солишдан иборат.” 4-модда Виждон эркинлиги ҳуқуқига бағишланган бўлиб, “Фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди (Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to‘g‘risida qonun, 2021)” эканлиги таъкидланади.

Шубҳасиз, кишининг турли ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятлари баробарида виждон эркинлиги ҳам жамиятда, ижтимоий-сиёсий муносабатларда, ўз диний қарашлари доирасида ибодат ва турли урф-одат, расм-русумларни Қонун доирасида тўлақонли амалга оширишда ҳуқуқий асосдир. Ўзбекистонда давлат сиёсати миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни қўллаб-қувватлашга асосланган. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Мазкур резолюцияни қабул қилиш ташаббусини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган эди. Ўзбекистон таклиф этган резолюциянинг асосий мақсади – барча учун таълим олиш имкониятини тақдим этиш, саводсизлик ва билимсизликни бартараф этишдан иборат. Ҳужжатда «бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик”ка ҳам чақирилган (<https://www.gazeta.uz/uz/>).

Шунингдек, диний ксенофобиянинг олдини олиш ва динлараро мулоқотни самарали йўлга қўйишда диний уламоларнинг мўътадил оғзаки ва ёзма чиқишлари катта ўрин эгаллайди (шунингдек, сиёсатчи ва публицистларнинг ҳам). Мисол тариқасида, ўзбек – қозок, туркман қирғиз, славян ва турк, провослав ва мусулмонларнинг маданиятларининг ва келиб чиқишига эътибор қаратган ҳолда кўп томонли ҳамкорликни ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Конфессиялараро мулоқотда турли кескин вазиятларни олдини олишда замон билан ҳамоҳанг таъсирли механизмларини ишлаб чиқиш муҳим. Динлараро муносабатлар – ижтимоий ва шахсий ҳаётда ксенофобия ва экстремистик хатти-ҳаракатларга қарши бағрикенглик маданиятини шакллантиришни талаб этади. Мазкур жараён эса ўз навбатида, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, маданий ва тарбиявий мажбуриятларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Жумладан, санаб ўтилган вазифалар қаторига ўқув дастурларига бағрикенглик ва ўзга миллат ва дин вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳамда салбий ижтимоий муносабатлардан йироқ, мулоқотга асосланган кўрсатмаларни ва кўникмаларини киритиш орқали самарага эришиш мумкин (Drobijeva, 2011:212).

Шу ўринда диний ксенофобиянинг олдини олиш ва бағрикенгликни шакллантириш борасида мутахассис олимлар томонидан келтирилган асосий тамойилларни санаб ўтиш ўринли.

Турфалик тамойили. Турли гуруҳ ва жамоалар ўртасидаги фарқли жиҳатларни тўғри англаш ва хавф-хатарни бартараф этиш учун муайян қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Можаро назариясидан бағрикенглик назариясига ўтиш тамойили. Жамиятда бағрикенглик тушунчаларини шакллантириш учун фақатгина экстремизмга нисбатан тақиқларни ишлаб чиқишдан ташқари, бағрикенгликка асосланган ижтимоий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш (манфаатдор томонларнинг ижтимоий муаммоларни оммавий тарзда муҳокама қилишлари, воситачилик институтини ривожлантириш, маданиятлараро малака ва мулоқот қобилиятини ривожлантириш).

Мулоқотда ҳамкорлик тамойили. Бағрикенглик – турли маданият ва дунёқараш вакиллариининг маълум муаммо ечими доирасидаги ўзаро мулоқоти жараёнида шаклланади.

Маданиятни эркин танлаш тамойили. Маданиятлар хилма-хиллиги шароитида умуммаданий қадриятларни шакллантириш мақсадида, шахсга ўз маданий қарашларини онгли равишда танлашга имкон яратиш. Бағрикенглик тамойилларини ривожлантиришда жамоавий ҳолда эмас, ўзи ва ўзгаларнинг маданиятига қизиқишни шакллантиришда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар – инсонга ўз дунёқарашига асосланган фикр эркинлигини беради.

Фаол бағрикенглик тамойили. Ҳар бир мулоқот – маданият ва цивилизациялар билан эмас, балки муайян шахслар ва гуруҳлар билан амалга оширилади. Бағрикенглик ўзида ижтимоий

ҳаракатларни талаб этади, бу эса ўз навбатида, янги вазифаларни амалга ошириш билан бирга бағрикенглик институтларини шакллантирувчи ва мустаҳкамловчи янги ижтимоий муаммоларни бартараф этишни талаб этади.

Маданий чегараларни назорат қилиш тамойили. Бағрикенгликни шакллантиришдаги ижтимоий ҳодисалар унинг маданий жиҳатдан ҳудуд ва вақт чегараларини кенгайтириб, бағрикенгликнинг бир жабҳадан иккинчисига ўтиш ҳолатлари кузатилади.

Ижтимоий маданиятнинг жамғарилиши тамойили. Бағрикенгликнинг ривожланиши ва ксенофобиянинг олдини олишда, шахснинг ўз ва ўзга жамоа вакиллари билан узоқ муддатли маданиятлараро мулоқоти давомида эришилади. Муайян маданий-ижтимоий бойликнинг жамғарилиши ва ишончнинг ортиб бориши барча гуруҳ аъзолари ўртасида тарқалиб, жамоаларнинг фарқли жиҳатлари таҳдиддан қимматли манбага айланади. Бағрикенглик ксенофобия каби ижтимоий жараёнларда йиғилиб боришга мойил. Ксенофобияда бу асосан салбий ҳодиса ва муносабатларда – миллий, диний, ирқий ва бошқаларда “ўз” гуруҳдагиларидан ёрдам олиш ва қўллаб-қувватлашнинг осонлиги ва “ўзга”ларга нисбатан бунинг аксида намоён бўлади. Ўз гуруҳи аъзолари ўртасида турли хизматлар ва ўзаро ёрдам кўрсатиш доимий равишда муносабатларни мустаҳкамлайди. Бошқа гуруҳлар ёки жамиятда эса бундай қўмакнинг амалга оширилишини йўққа чиқаради. Бағрикенглик эса аксинча, ижтимоий алмашинув, умумий масала, муаммо ечимида турли гуруҳ аъзоларининг ўзаро хатти-ҳаракатлари давомида ўз ечимини топади.

Узоқ муддатли муносабатлар тамойили. Бағрикенгликнинг ривожиди ёшларнинг турли маданиятлар билан мулоқоти ва муносабатини шакллантириш учун уларнинг бир ҳудудда истиқомат қилишлари талаб этилади. Бу эса ўз навбатида уларга келажакда бир-бирларини англаб содир бўлиши мумкин бўлган турли муаммоларда бирга ечим топишда ёрдам беради (Soldatova, 2011:62-63).

Таъкидланганидек, диний ксенофобия диний бағрикенглик ғояларига зид бўлиб унинг салбий оқибатларидан жамият азият чекиши, инсонлар ҳуқуқ ва эркинликлари поймол бўлиши табиий. Шундай экан, унинг олдини олиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шунингдек, диний ксенофобиянинг бугунги кунда авж олган кўринишларидан бири исломофобияга қарши курашиш ҳам унинг зарарли оқибатларидан эътиқод вакиллари ва инсонларнинг азият чекмаслигига эришиш тадқиқотнинг асосий мақсадларидан. Шу ўринда, мазкур тушунчага

таъриф бериш, илмий жиҳатдан асослаш, моҳиятини англаш лозим.

“Европада исломофобия” номли мақолада келтирилган маълумотларга кўра, “исломофобия” сўзи 1980 йилларда муомалага киритилган бўлиб, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, қўлланилиши ортди. 1997 йилда эса Британия илмий маркази Runnymede Trust томонидан нашр этилган “Исламофобия – барча учун чакирув (тахдид)”, номли ҳисоботида унинг “ислом ва мусулмонлардан қўрқув ва нафрат туйғулари, жамиятнинг ҳар бир қатлами ва ОАВ да кенг тарқалган воқеликка айланиб қолган” лиги айтилади. Исломофобия термини ислом динига қарши келтирилган аксар эътироз ва ҳатти-ҳаракатларни ўз ичига олиб, кенг қамровга эга. У ислом дини таълимоти, қарашлари, амалдаги кўринишига қарши айтилган ва содир этилган ҳатти-ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади. Шунингдек, марказ томонидан келтирилган ҳисоботга кўра, “ислом дини – цивилизация сифатида Ғарбдан қоқ, мусулмон маданияти эса, ўзга маданиятларга таҳдид солувчи, улар каби ранг-баранг бўлмай, бир жойда қотиб қолган, янгилик ва мунозаралардан йироқ дин сифатида талқин этилади (Mirzoyev, 2016:3-4).

Исломофобия феноменини тадқиқ этишда, унинг жамиятга маълум кучлар томонидан тарғиб қилиниб, ислом динининг нуфузини қадрсизлантиришга уриниш, унинг асл эзгулик ғоялари, тинчлик ва тараққиётни тарғиб қилувчи дин сифатидаги ўрнини эътиборсиз қолдириш ҳолатлари ҳам намоён бўлмоқда. Аслида, ислом дини ва маданияти асрлар мобайнида нафақат мусулмонларга, балки ер юзидаги барча дин вакилларига улкан маданий-маънавий мерос билан биргаликда ижтимоий тенглик ҳиссини тақдим этдики, у ҳозиргача жамият фаровонлиги учун хизмат қилиб келмоқда.

Жумладан, ислом маънавияти барча миллат ва элат вакилларига тинч-тотув ҳаёт кечиришда ижтимоий муносабатларнинг барқарор кўринишини намоён этди. Бунинг асосида албатта, ислом таълимотининг одоб-ахлоқ меъёрларининг ҳиссаси катта бўлиб, у Шарқ маданиятининг янгилиниш замини ҳисобланади. Мусулмон жамиятининг маънавий-маърифий уйғониши бутун ислом маданиятининг “юзини” намоён этди. Ислми дини ижтимоий таълимоти бағрикенглик ғояларига асосланиб, унга амал қилиш ислом умматининг аксар қисмига тегишлидир.

Бир тарафдан, ислом номи остида амалга оширилаётган турли бузғунчилик ҳаракатлари ортиб, дунё халқлари унинг салбий оқибатлари билан рўбарў келмоқда. Бошқа тарафдан эса, ислом таълимотининг маънавий-ахлоқий нормалари, сохта

мусулмонликка қарши энг фаол раддия ва муҳолиф асосларни ташкил этади. Ислми таълимоти турли ижтимоий-маданий омиллар билан биргаликда, ислмий иборалар ва рамзлар билан ниқобланган экстремизмнинг олдини олишга қодир. Шундай қилиб, жамиятда экстремистик ташкилотлар ҳатти-ҳаракатига қарши иммунитетни шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан.

Лекин экстремистик ва террорчи ташкилотлар ўзларининг ғаразли мақсадларидан келиб чиқиб, ислом таълимотининг айрим ғоя ва тамойиллари мазмун-моҳиятини бир ёқлама, нотўғри талқин қилиб, одамларни тўғри йўлдан адаштиришга уринмоқда. “Биз ислохотчилармиз”, – дея даъво қилаётган бундай оқимлар ўзларининг қарашлари ва амалиётига қўшилмаганларни “адашганлар”га чиқармоқда. Натижада мусулмон бўлмаган мамлакатлар аҳолиси ўтасида исломни “ёвузлик салтанати” ва таҳдид манбаи сифатида қабул қилинишига “исломофобия” (“исломдан қўрқиш”, “даҳшатга тушиш”)нинг турли кўринишлари пайдо бўлишига ҳам замин яратмоқда. Бундай ёндошув ва талқинлар жамиятдаги ижтимоий бирликка таҳдид солиши, ички парокандаликни келтириб чиқариши мумкинлигини англаш қийин эмас (Karimov, 2019:143-144).

Бугунги кунда исломофобия муаммога айланиб улгурган экан унинг олдини олиш, ислом динининг ҳеч бир салбий ҳатти-ҳаракатлар зўравонлиги жоҳилликка, инсонлар ҳаётини хавф-хатарга қўйишдан йироқлиги маълум. Таъкидлаш керакки, ўз тарихи давомида мусулмонлар бошқа дин вакиллари билан ёнма-ён тинч-тотувликда ҳаёт кечирган. Аммо баъзи Европа мамлакатларидаги экстремистик гуруҳлар томонидан ислом инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши, демократия ва шахс эркинлигига қарши, – дея таъкидланади. Бироқ исломофобия ва диний мутаассибликнинг ҳар қандай кўриниши адолат тамойилларига зиддир, боиси ҳар бир равшан ақл эгаларига маълумки, нафратга чорловчи ҳар қандай ҳаракат зиддиятли ва зўравонлик вазиятларга олиб келади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик ва исломнинг асл эзгулик ғояларини тарғиб қилиш инсоний бурчдир. Дунё миқёсида эса исломофобияга қарши курашиш турли ташкилотларнинг ташаббусига айланган.

Жумладан, “Ислми Ҳамкорлик Ташкилоти” дунё мусулмонларини бирлаштирган. Унга 57 та ислмий ташкилот аъзо. Шу кунга қадар ташкилот исломофобия ва диний мутаассибликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш ташаббускори бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ташкилот аксар ҳолларда, Ғарбда содир бўлаётган исломофобия, ислом ва

мусулмонларга оид янглиш тушунчаларнинг жамият томонидан қабул қилинишига тузатиш киритишда саъй-ҳаракат қилмоқда.

Исломофобиянинг Ғарб ва мусулмон дунёси ўртасидаги муносабатлар кескинлашуви ва ҳавфли кучга айланганини англаган ташкилот, ўз кун тартибига ўзаро ишончга асосланган, диний ксенофобия ва исломофобияга қарши биргаликда курашишни тарғиб қилувчи алоқалардан манфаатдор эканлигини таъкидлайди. Мазкур йўналиш доирасида ташкилот доимий равишда Ғарб ҳукумати вакиллари, халқаро ташкилотлар, нодавлат уюшмалар ва ОАВ билан ҳамкорлик қилиб, Шарқ ва Ғарбда исломофобия ва диний мутаассибликни олдини олишнинг самарали восита ва усуллари ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар. Бу борадаги асосий ютуқлардан ИХТ-БМТ, ИХТ-АҚШ ва ИХТ-ЕИ ҳамкорлигини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, БМТ нинг 2011 йилдаги 16/18 рақамли “Мутаассиблик, салбий тасаввур ҳосил қилиш, камситиш, зўравонликни тарғиб қилиш, дин ва эътиқод масалаларидаги зўравонликка қарши кураш” (Bosh Assambleyaning rasmiy hisobotlari, 2018)” номини олган Қонуний ҳужжат қабул қилинди.

Айтиб ўтилганидек, ҳукукий ҳужжатлар билан биргаликда мазкур ҳолатларнинг олдини олишда жамиятнинг ҳар бир қатлами ҳаракат қилмоғи, экстремизм, ирқчилик, диний мутаассиблик, исломофобия, христиан ва яҳудийлик динларига нисбатан шаклланган фобияларга қарши – мулоқот, фикр алмашиш, маълумотларни тўғри талқин ва тақдим этиш, турли ҳукумат вакиллари оқилона сиёсатига орқали курашиш самарали натижа беради. (Islam.RF.RU. axborot-tahlil portali).

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, диний ксенофобия ва исломофобияга қарши курашиш ва уни олдини олиш глобаллашув даврининг асосий вазифаларидан биридир. Боиси, мазкур феноменлар мавжуд ерда на фаровон жамият, на ҳукукий-демократик давлат тамойиллари ҳукм суради. Демократик давлат ва жамиятда барча ҳуқуқ-мажбуриятлар билан биргаликда диний бағрикенглик, эътиқод ва виждон эркинликларнинг таъминланиши ҳам давлатнинг тўлақонли механизм каби ишлашига ўз ҳиссасини қўшади. Инсоният тарихининг узок ўтмиши давомида турли ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Тарих қай йўсинда ўтиб бориб ривожланмасин, унинг марказида инсон манфаатлари ва мажбуриятлари асосий

ўринни эгаллайди. Бугунги кунда жамият қанчалик инновация, техника, илм-фаннинг турли ютуқларини қўлга киритган бўлса-да, хали хануз ксенофобия, исломофобия, экстремизм ва терроризмнинг зарарли оқибатларидан бутунлай қутулгани йўқ. Шундай экан, мазкур воқеликларнинг олдини олишда ҳам инсон марказий ўринни эгаллайди. Шахснинг етук билим, маданият, тафаккур соҳиби бўлиш билан биргаликда ўзаро ҳурмат ва ўзгалар туйғуларини кадрлаш каби ҳислатлари мазкур муаммоларни енгиб ўтишга кўмак беради. Шунингдек, қонун устуворлиги мавжуд жамиятда ўз вақтида қабул қилинган Қонун ҳужжатлари ҳам унинг чегара доираларини белгилаб, барчага турфа ва ранг-баранг дунёда тинч-тотув ҳаёт кечиришни таъминлаб беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Имом Бухорий (2016) Олтин силсила 2 жуз. Тошкент, 2016. – Б. 258.
2. Бағрикенглик тамойиллари декларацияси https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/toleranc.shtml
3. Библия (2011) Книги священного писания ветхого и нового завета синодальный текст. Москва, 2011. – С. 54.
4. Бош ассамблеянинг расмий ҳисоботлари, олтинчи сессия, 53 (A/66/53) II боб. <https://www.un.org/ru/ga/sessions/emergency.shtml>
5. Дин ёки эътиқодга асосланган мурасосизлик ва камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги декларация. <http://base.garant.ru/2565457/>
6. Дробижева Л.М. (2011) Толерантность ресурс конструктивного межэтнического и межконфессионального диалога. Москва, 2011. – С.214.
7. Культура толерантности в исламе (<https://religions.unian.ua/islam/283479-kultura-tolerantnosti-v-islame.html>)
8. Ислам.РФ.Ру. ахборот таҳлилий портал, www.islamrf.ru/news/umma/reportages/10990
9. Ирқчиликка қарши кураш, ирқий камситиш, ксенофобия ва унга алоқадор мурасосизлик бўйича жаҳон конференцияси, декларация ва ҳаракатлар дастури БМТ. 2012 й. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/ruleoflaw2012.shtml
10. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюцияси 217_III, билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml
11. Каримов И. <http://www.e-adabiyot.uz/>
12. Каримов Ж. (2019) Жаҳолатга қарши маърифат. Тошкент, 2019. – Б. 74.
13. Камарова М. (2014) Проявление толерантности и интолерантности в Иудаизме <https://prezi.com/>
14. Муршидизад А. (2016) Исламофобия в Европе корни и причины. Москва, 2016. – С. 12.

15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

16. Семенова В. (1998) Качественные методы введение в гуманитарную социологию. Москва, 1998. – С.182.

17. Мансур А. (2018) Куръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. Тошкент, 2018. – Б. 214.

18. Соловьев М. (2014) Толерантность в Православии как фактор стабилизации социальных отношений в многонациональном и многоконфессиональном обществе вестник экономики права и социологии 2014 №3. <https://www.gazeta.uz/uz/>

20.Солдатова Г. (2011) Принципы формирования толерантности и управления рисками ксенофобии. Национальный психологический журнал №2. 2011.

21. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги тахрир) Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/docs/5491534>

22.Ғоибназаров Ш. (2013) Халқаро терроризм: илдири, омиллари ва манбалари. Тошкент, 2013. – Б. 127.

23. Пахрутдинов Ш. (2006) Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. Тошкент, 2006. – Б. 45.

24. Очилдиев А. Нажмиддинов Ж. (2013) Миссионерлик: моҳият ва мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). Тошкент, 2013. – Б.198.

25. Яблоков И.Н. (2000) Религиоведение: Учебное пособие и учебный словарь – минимум по религиоведению. Москва, 2000. – С.342.

REFERENCES:

1. Buxoriy, Ismoil (2016) OLTIN SILSILA. 2-juz. – Toshkent.: Hilol Nashr.

2. BAG‘RIKENGLIK TAMOIYILLARI DEKLARATSIYASI YUNESKOning 1995 yil 16 noyabrdagi bosh konferentsiyasining 5.61-sonli qarori bilan qabul qilindi.

3.BIBLIYA (2011) KNIGI SVYASCHENNOGO PISANIYA VETHOGO INOVOGO ZAVETA SINODALNIY TEKST. – Etalonnay Biblii Moskva 2011.

4.Bosh Assambleyaning rasmiy hisobotlari, oltinchi sessiya, 53 (A/66/53) qo‘shimchasi, II bob, 2018 yil 17 dekabr kuni Bosh Assambleya tomonidan qabul qilingan qaror.

5.DIN YOKI E‘TIQODGA ASOSLANGAN MUROSASIZLIK VA KAMSITISHNING BARCHA SHAKLLARINI BARTARAF ETISH TO‘G‘RISIDAGI deklaratsiya bosh Assambleyaning 1981 yil 25 noyabrdagi 36/55-sonli qarori bilan qabul qilingan.

6.Drobijeva, Leokadiya (2011) “TOLERANTNOST RESURS KONSTRUKTIVNOGO MEJTNICHESKOGO I MEJKONFESSIONALNOGO DIALOGA”. “Nauka” 2011.

7.Kultura tolerantnosti v islame (<https://religions.unian.ua/islam/283479-kultura-tolerantnosti-v-islame.html>)

8.Islam.RF.RU. axborot-tahlil portal, www.islamrf.ru/news/umma/reportages/10990

9.IRQCHILIKKA QARSHI KURASH, IRQIY KAMSITISH, KSENOFOBIYA VA UNGA ALOQADOR MUROSASIZLIK bo‘yicha jahon konferentsiyasi,

deklaratsiya va harakatlar dasturi Birlashgan Millatlar tashkilotining ijtimoiy axborot departamenti tomonidan chop etildi Nyu-York, 2002 yil.

10. INSON HUQUQLARI UMUMJAHON DEKLARATSIYASI Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining Rezolyutsiya 217 A _III, bilan 1948 yil 10 dekabrda qabul va elon qilingan.

11.Karimov, Islom <http://www.e-adabiyot.uz/>

12. Karimov, Jamoliddin (2019) JAHOLATGA QARSHI MARIFAT (Oquv qollanma) Ozbekiston xalqaro islom akademiyasi nashriyot manba birlashmasi. Toshkent: 2019.

13.Kamarova Mika (2014) PROYAVLENIE TOLERANTNOSTI I INTOLERANTNOSTI V IUDAIZME by Mika Kamarova on Prezi <https://prezi.com/>

14.Murshidizad, Ali (2016) ISLAMOFOTIYA V EVROPE KORN I PRICHINI Islamofotiya maqolalar topami; – M: OOO «Sadra»_ 2016.

15.O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUSIYASI. <https://lex.uz/docs/6445145>

16.Semenova, Victoriya (1998) KACHESTVENNIE METODI VVEDENIE V GUMANISTICHESKUYU SOCIOLOGIYU, Dobrosvet: M.1998

17.Abdulaziz Shaih Mansur (2018) QURONI KARIM MANOLARINING TARJIMA VA TAFSIRI. TIU nashriyot matba birlashmasi. T:2018.

19.Solovev, Mixail (2014) TOLERANTNOST V PRAVOSLAVII KAK FAKTOR STABILIZACII SOCIALNIH OTNOSHENII V MNOGONACIONALNOM I MNOGOKONFESSIONALNOM OBSHESTVE VESTNIK EKONOMIKI PRAVA I SOCIOLOGII 2014 №3 <https://www.gazeta.uz/uz/>

20.Soldatova, Galina (2011) PRINCIPI FORMIROVANIYA TOLERANTNOSTI I UPRAVLENIYA RISKAMI KSENOFOBII. Nacionalnii psihologicheskii jurnal №2, 2011.

21.VIJDON ERKINLIGI VA DINIY TASHKILOTLAR TOGRISIDA (yangi tahriri). O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QONUNI. <https://lex.uz/docs/5491534>

22. Goyibnazarov Sh. (2013) Xalqaro terrorizm: ildizi, omillari va manbalari. Toshkent, 2013. – B.127.

23. Paxrutdinov Sh. (2006) Tarakkiyotga taxdid: nazariya va amaliyot. Toshkent, 2006. B. 45.

24. Ochilidiev A. Najmiddinov J. (2013) Missionerlik: moxiyat va maksadlar, okibatlar va oldini olish yullari (yuz savolga yuz javob). Toshkent, 2013. –B.198.

25. Yablokov I.N. (2000) Religiovedeniye: Uchebnoe posobiye I uchebniy slovar – minimum po relegiovedeniyu. Moskva. 2000. S. 342.